

# Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Маънавий соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.
Л. Н. ТОЛСТОЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2020 йил 22 декабрь, сешанба № 102 (24491)

Вилоят ҳокими
**ҚАБУЛИДА**

## НЕГА ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМАЯПТИ?!

**Шу йилнинг 21 декабрь куни “Тадбиркорлар уйи”да вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров билан навбатдаги юзма-юз мулоқотда деярли барча шаҳар-туманлардан тадбиркорлар қатнашди. Афсуски, уларнинг орасида вилоят раҳбарига такрор ва такрор мурожаат қилаётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади.**

Хайрулло Бозоровга муаммолари туфайли қайта учрашаётганлар орасида Олтиариқ ва Риштон туманидан келаётган тадбиркорлар кўп. Бу икки туманда марказий деҳқон бозорларидаги савдо дўконлари ҳамда кўчмас мулкларнинг давлат дастурлари доирасида бузилиши билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида ҳал бўлмай келяпти. Умуман олганда, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлар муаммоларини ҳал этиш, бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаш борасида сусткашликка йўл қўйилаётгани айни ҳақиқатдир.

Бу гал ҳам вилоят раҳбарига олтиариқлик ва риштонлик бир гуруҳ тадбиркорлар йиллар мобайнида ижобий ҳал этилмай, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий даромадларига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишди.




— Қарийб икки йилдан буён бузилган дўконларимиз ўрнига жой ололмай, ҳокимлик идораларига қайта-қайта мурожаат қилиб сарсону саргардонмиз, — дейди Риштон тумани, “Минор” МФЙ ҳудудида яшовчи Дилдора Обидова. — Баъзи тадбиркорларимизнинг тўрт-беш нафардан фарзанди вояга етяпти, иккитадан ўғил-қизини тўлов шартномаси асосида олий таълим муассасаларида ўқитаётган ота-оналар бор.

Қабулда Фарғона, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари, Қува, Қўштепа, Фарғона, Ўзбекистон, Бувайда, Бағдод, Бешариқ туманларида фаолият олиб борувчи ўнлаб тадбиркорлар, янги иш бошлаш ниятидаги ҳамюртларимиз турли масала ва муаммолар юзасидан мурожаат этишди. Мурожаатлар асосан банк кредити олиш, кўчмас мулк, ер ва бино-иншоотлардан фойдаланиш, эгалик ҳуқуқини тиклаш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда фаолият кўламини кенгайтириш каби масалалар билан боғлиқ.

Ўз навбатида қабул жараёнида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, юрт равнақ-ривожи ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга тааллуқли эзгу ташаббуслар ҳам илгари сурилди.

— Жамоат транспортидан фойдаланиш, “Дамас” автомашиналарида аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда йўл кира ҳақини ҳеч ким назорат қилмаяпти, — деди меҳнат фахрийси Тўлқин Қурбонов. — Бу жамоат транспортидан фойдаланадиган одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, учрашувда маҳаллаларда болалар майдончалари, стадионлар ташкил этиш, кўча чироқлари ўрнатиш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан боғлиқ муаммолар ҳам ўртага ташланди.

Вилоят раҳбари ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор қаратиб, унинг ижроси бўйича вилоят, шаҳар-туманлар ҳокимликлари, тегишли мутасадди идоралар раҳбарларига аниқ вазифалар топширди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

## Қарор лойиҳаси муҳокамада

**“Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

Вилоят ҳокимлигида қарор лойиҳаси мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳолатини рейтинг асосида баҳолаш мезонларини ижрочиларга етказиш мақсадида республика идоралараро ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Қарор лойиҳасида ҳуқуқий соҳадаги рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ устуворлигини таъминлашдаги масъулиятини ошириш механизмини жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилган. Статистика ва сўровлар асосида ҳудудлардаги ҳуқуқ устуворлигини 7 та индикаторга бирлаштирилган 32 та субиндикатор бўйича рейтинг баҳолаш тизими жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — республика идоралараро ишчи гуруҳ раҳбари Робахон Маҳмудова, Олий Мажлис Сенати аъзоси Энахон Сиддиқова, Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори Аъзам Мадаминов, Бош прокуратура бўлим бошлиғи Толибжон Умаров, Ички ишлар вазирлиги юридик таъминлаш бошқармаси бош юрист консульти Иброҳимжон Қосимовлар қарор лойиҳасидаги муҳим жиҳатлар хусусида сўз юритди.

Йиғилишда қарор лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**

ЙИҒИЛИШ

**ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ** кичик мажлислар залида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев иштирокида кенгайтирилган видеоселектор йиғилиш бўлиб ўтди.



## МАҲАЛЛА РАИСИ ИСЛОҲОТЧИ БЎЛСА

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Бандлик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, ички ишлар, солиқ бошқармалари, Марказий банк, вилоят прокуратураси раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этишди, туман-шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги масъуллар ҳудудлардаги студияларда онлайн кузатишди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида маҳалла тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида берган топшириқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, Фарғона вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиевнинг маърузаси тингланди.

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг янги тизимини яратишда Хоразм тажрибасини қўллаш, бунда “Маҳалла раиси — ислоҳотчи” тамойили асосида иш олиб бориш талаб этилади, — деди Б. Парпиев. — Ҳафтада бир марта ташкил этиладиган “Маҳалла соати”да аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар бўйича аниқ хулосаларни беришга эътибор қаратилади.

Вилоятда жорий йил давомида жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари 122,5 фоизга ошгани, мавжуд 1041 та МФЙнинг 3 фоизидагина бу ҳолат камайгани танқид қилинди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан масъулларга янги тизимнинг “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, маҳалла фуқаролар йиғинларини замонавий бино билан таъминлаш, маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини танқидий ўрганиш, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилини кенг жорий этиш, ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқталарини белгилаш каби муҳим вазифалар топширилди.

Президентимизнинг “Маҳаллабай ишлаш тизимида солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъуллар маҳаллаларда ишлайди. Маҳалла раислари ўз ҳудудидаги муаммолар бўйича уларга талаб қўяди. Ислоҳотларнинг энг қуйи тизимида бажаришнинг асоси шу. Буни одамлар ҳис қилиши керак” деган топшириғи асосида иш ташкил этилиб, ҳар бир маҳалла, ҳар бир оиланинг ичига кириб борилади. Эндиликда давлат идоралари ходимларининг моддий манфаатдорлиги одамларнинг розилигидан келиб чиқиб белгинадиган тизим яратилади.

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган сурат.**

Мавзуга
**ҚАЙТИБ**

## “ЛОЙИҲАЛАР ФАБРИКАСИ” ИШЛАЯПТИМИ?

**Фарғонада бир киши йил мобайнида 140 кг чиқинди чиқаради. 18-24 фоизини пластик буюмлари ташкил қилади. Маълумки, пластик неча йил ўтсаям йўқ бўлмайди, чиримайди, ёқиб юборилса, азон қатламига жуда катта салбий таъсири бор. Демак, нима қилиш керак?**

Фарғона тумани бўйича импорт товарлар ҳажми, тури ўрганилганда, уларнинг 260 минг долларини пластмасса ва кимё саноати импорти ташкил қилиши аниқланди. Импорт ўрнини қоплаш учун тумандаги мавжуд имкониятлар ўрганилди. Жумладан, Саткак қишлоғида 40 гектарлик чиқиндихона мавжуд бўлиб, бу ерга Фарғона, Марғилон, Қўштепа, Олтиариқ туманларидан йилига 240 минг тонна чиқинди олиб келинади. Унинг 20-25 фоизини пластмасса чиқиндилари ташкил этади. Шундай бўлса-да, на Фарғона тумани, на қўшни туманларда чиқиндини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ўзимизда пластмасса чиқиндиси (хом ашёси) тўлиб-тошгани ҳолда, гранулани Хитойдан сотиб оляпмиз.

Агар мана шу 40 гектарлик майдонга 100.000 долларлик инвестиция киритилиб, Россиянинг “FORTAN” компаниясидан маиший чиқиндини қайта ишлаш линияси сотиб олинса, ойига 2000-2500 кг (йилига 30 000 тонна) чиқинди қайта ишланади. Натижада, баклажка ва пластмасса чиқиндисидан PET (мустаҳкам қора турдаги ленталар, волокно, синтепон, плёнка...) ҳамда баклажка (Олтиариқ, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида ишлаб чиқариладиган сув маҳсулотлари учун хом ашё) олинади.

Бу Фарғонадаги “Лойиҳалар фабрикаси” менежери Садафбек Ҳусанбоевнинг лойиҳавий таклифи.

“Лойиҳалар фабрикаси”. Қандай ажойиб а?! Ҳududнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, 7-8 та мутахассис шундай янги-янги, креатив, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаверса! Ғоялар лойиҳага, лойиҳалар бизнес объектларига, улар эса экспортёрга айланаверса... Бундай тажриба жуда кам давлатларда қўлланилади. Мисол учун, Россияда «Сбербанк» ўзининг мижозлари учун “лойиҳалар фабрикаси” ташкил қилган.

**— Ўзбекистон бўйича Фарғонада илк бор синов тариқасида йўлга қўйилган ушбу тизимда июнь ойидан буён ҳозирга қадар қандай ишлар амалга оширилди? “Лойиҳалар фабрикаси”нинг вилоят иқтисодиёти, тадбиркорлар фаолиятига ижобий таъсири сезилдими?**

— Ўтган 6 ой давомида 126,7 млн. долларлик жами 67 та лойиҳавий таклиф, (қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш, авиация, текстил, аёллар тадбиркорлиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишларида) бошланғич бизнес режалар ишлаб чиқдик, – дейди Садафбек Ҳусанбоев. – Ундан умумий қиймати 1,6 млн. долларлик лойиҳалар “Ўзмиллийбанк” АЖ Фарғона филиали томонидан молиялаштирилди. Ҳозирда реализация қилиш босқичида монтаж клейи, герметика ва пена ишлаб чиқариш лойиҳаси корейслик инвесторлар томонидан тўлиқ молиялаштиришга келишилган бўлиб, техник иқтисодий асослари тайёрланмоқда. 7 нафар ходимимиз билан тайёрлаган инновацион ем (корм) тайёрлаш лойиҳаси Қува туманида тўлиқ ишга тушди.

**— Ярим йил ичида қилган меҳнатингиз муносиб баҳолангандир?**

— Аввалида кичик бизнес марказга ўхшаш лойиҳалар ишлаб чиқарувчи марказ сифатида фаолият юритишни мақсад қилгандик, – дейди “Лойиҳалар фабрикаси” консультанти Нилуфар Зиёдинова. – Лекин бу ғоя Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, республика миқёсидаги катта лойиҳага айланиб кетди. Ойлик маошимиз камида 10 миллион сўм этиб белгиланиши айтилганди. Аммо “Лойиҳалар фабрикаси”нинг ташкил этилиши бўйича қарорнинг йўқлиги сабабли молиялаштириш ишлари кечикяпти.

**— Демак, шу муддатда текинга ишладингиз?**

— Шунақа десаям бўлади, — дейди Садафбек Ҳусанбоев. — Бироқ Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан бизни руҳлантириш мақсадида август ойида 5 нафаримизга 10 миллион сўмдан мукофот пули берилди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази томонидан семинар-тренинглар, дарслар ташкил қилинди. Уч ойдан буён макроиқтисодий назария, стратегик режалаштириш асослари, ўсиш нуқталарини аниқлаш, инвестиция лойиҳаси ва лойиҳавий цикл, дастлабки лойиҳа таҳлили ва намунавий бизнес режани тузиш асослари бўйича Осиё Тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлар мутахассислари дарс ўтишяпти. Олаётган билимимиз 10 миллион сўм иш ҳақига тенг деса бўлаверади. Кейин биз ойлик маошга қараб қолмаймиз, ишлаб чиққан лойиҳаларимизни тадбиркорлар сотиб олишади.




**— Нега 6 ойдан буён ҳалиям “Лойиҳалар фабрикаси”ни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинмади?**

— Бундай кенг масштабли ишлар бир-икки кунда ҳал бўлиб қолмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази бошқарма бошлиғи Аъзамжон Хушманов. — Аввало, лойиҳанинг молиявий томони, иккинчи ўринда кадрлар сифати, қамров устида ишлашга кўп вақт кетиб қолди. Лекин иш тўхтаб қолгани йўқ. Ходимлар ўз ҳудудлари иқтисодий салоҳиятини ўрганишяпти, уч ойлик курс ташкил қилдик. Шу йилнинг охирига қадар расман иш бошлаш тўғрисида қарор чиқиши кутиляпти.

Қарор муддати кечиктирилмай, кўзи чақнаб, ишлайман, деб турган ёшларга йўл очиб берилса, пластмассани қайта ишлаш каби ҳам иқтисодиётимизга, ҳам экологияга фойдаси тегадиган катта-катта лойиҳалар амалга ошган бўларди.

**Севара АЛИЖОНОВА.**

Жараён



# Фарғонада «Темир дафтар» қандай самара бермоқда?

**Фарғона вилоятида 66 минг 845 та эҳтиёжманд оилалар "Темир дафтар"ларга киритилган бўлиб, уларда 274 минг 819 нафар аҳоли истиқомат қилади.**

Ҳозирда мазкур оилаларнинг 40 минг 415 таси ёки 60 фоизи ҳудудлардаги туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида эҳтиёжманд оилалар рўйхатидан чиқарилди.

Бугунги кунгача 47 минг 625 та оилалардаги 50 минг 799 нафар (97%) фуқаро ишга жойлаштирилди. Шундан, 1-секторда 13,8 мингта (95%), 2-секторда 11,7 мингта (97%), 3-секторда 11 мингта (98%) ҳамда 4-секторда 14,3 мингта (98%) фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

"Темир дафтар"даги 2 минг 571 оилаларга даромад манбаларини яратиш мақсадида 32,8 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қолган 1 минг 568 нафар ишсизларни оилавий тадбиркорлик, қурилиш объектларига ва инвестиция лойиҳаларига ишга жойлаштириш орқали бандлигини таъминлаш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларга 94,1 миллиард сўмлик моддий ёрдам пуллари ва зарур маҳсулотлар тарқатилди.

**ЎзА.**

Депутат минбари

# Тадбиркор давлат хизматини кўрсатади

**Юртимизда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, самарали рақобат муҳитни шакллантириш ҳамда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ҳаётбахшислоҳотлар татбиқ этилаётир. Лекин давлат томонидан алоҳида соҳаларни ортиқча тартибга солиш ҳолатлари ҳанузгача мавжудлиги хусусий секторнинг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.**

Жумладан, давлат функцияларини хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга кўмаклашувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари томонидан ушбу масалаларга эътибор қаратилмаётганлигига олиб келаётган эди. Эндиликда бунга барҳам берилди.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан жорий йил 7 декабрда қабул қилинган "Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"га қарор бу борада муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди.

Бозор шароитида рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишлари тараққиётига қўшимча имкониятлар яратиш, фуқароларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ "Давлат функциялари – бизнес учун имконият" лойиҳаси амалиётга жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан давлат бошқаруви соҳасига хусусий секторни жалб қилишнинг дастлабки йўналишлари этиб: давлат функцияларини аутсорсинг, краудсорсинг, давлат ижтимоий буюртмаси, аккредитация, сертификатлаштириш ва бошқа усуллар орқали босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида амалда мавжуд имкониятларни кенгайтириш белгиланди.

Эндиликда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, давлат хизматлари марказлари томонидан айрим турдаги давлат хизматлари кўрсатилишида агент сифатида иштирок этишга рухсат берилмоқда.

Қарор билан Давлат хизматлари агентлиги агент сифатида хизматларни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ягона электрон реестрини шакллантиради ва юритади;

фуқаролар учун ягона электрон реестр орқали ўзига қулай агентларни танлаб олиш имконияти яратилади;

агент хизматлари учун фуқаролар томонидан алоҳида тўлов амалга оширилади, бунда нархлар тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан агент сифатида хизматлар кўрсатилиши тақиқланган давлат хизматлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

"Давлат функциялари – бизнес учун имконият" лойиҳаси доирасида давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари штат бирликларининг мақбуллашти-рилган қисми ҳисобидан 8 та штат бирлигидан иборат Хусусий секторни таҳлил қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди ҳамда унинг вазифалари тасдиқланди.



Бошқарманинг вазифалари этиб "Давлат функциялари – бизнес учун имконият" лойиҳаси ва давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг комплекс механизми амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш, вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хусусий секторга ўтказилиши так-лиф этилаётган давлат функциялари, шунингдек, хусусий секторнинг тегишли таклифларини эълон қилиш ва муҳокамадан ўтказиш учун электрон майдонча фаолиятини юритиб бориш, хусусий секторга берилиши мумкин бўлган давлат функциялари таҳлилини олиб бориш ва ўрганиш натижасида тегишли чоралар кўрилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарорнинг қабул қилиниши бозор шароитида рақобатни, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга, давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш каби бир қатор ислоҳотлар йўлида хизмат қилади.

**Раҳматилло КАМОЛОВ,**
**ЎзЛиДеП Фарғона вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати.**

# Ташқи меҳнат миграцияси: Тил ва ҳунар ўрганиб...



Умумтаълим мактабини тамомлаган Бунёд жўяли иш тополмади. Бирон бир касб-ҳунар этагидан тутмаган йигит кундалик юмушларни бажариш билан андармон бўларди.

Танишларидан Россияда даромадли иш борлигини эшитиб қолди. Яқинларининг қаршилигига қарамай йўлга отланди. Афсуски, хато қилганлигини кеч тушунди. Тил билмаслик, қўлида ҳунар йўқ йигит нима иш қиларини билмай сарсон бўлди. Ўзидан ортиниб уйга пул жўнатишга имкон топа олмасди. Ёғочни қайта ишлаш корхонасига ишга кирди. Аммо техника ва механизмларни бошқариш, хавфсизлик қоидаларига амал қилиш талабларини билмасди. Кунларнинг бирида юз берган воқеа уни бир умрга ногирон қилиб қўйди...

Шифохонада даволаниш харажатлари ҳам яқинларнинг ёрдамида амалга оширилди. Чунки иш берувчи билан қонуний меҳнат шартномаси тузилмагани боис тиббий хизмат харажатларини қоплашдан бош тортди, ногиронлик нафақаси ҳам тайинланмади.

Яқинда у билан ногоҳон учрашиб қолдим. Ўйчан, маҳзун нигоҳлар ортида оғриқ, алам кўз ёшлари яширингандек. Унинг қалби орзу ҳавасларга лиммо-лим эди. Ҳаётнинг ширин дамларига тўйинмаган йигит қисматига ачиндим...

— Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали директори Отабек Атабоев. — Хорижда иш берувчилар билан видеоконференц алоқа орқали мулоқот қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Шу кунга қадар Россия Федерацияси Москва вилоятида фаолият кўрсатаётган "Пик-индустрия" МЖЧ қурилиш компанияси мутахассислари суҳбатидан ўтган 210 нафар фуқаролар аниқ иш ҳақи ва кафолатланган ижтимоий ҳимоя асосида ишга жўнатилди. Шунингдек, "Росдорстрой" МЖЧ билан келишувларга кўра 300 нафарга яқин бульдозерчи, кранчи ва самосвал ҳайдовчилари бўйича вакансияларга буюртмалар беришди. "Вологодское мороженное" корхонаси 30 нафар, "Вологодский подшипниковый завод" 150 нафар фуқароларимизни ётоқхона билан таъминланган ҳолда касб-ҳунарга ўқитиб, кейинчалик иш билан таъминлаш таклифини билдирган. Бу каби амалий таклифлар кўп. Айни кунда Фарғона шаҳридаги мономарказ биносида вақтинчалик меҳнат миграциясига кетаётган, рус тилини ўрганиш истагида бўлганлар учун ўқув машғулотлари ўтказиш йўлга қўйилган. Машғулотлар Россия халқлар дўстлиги университети тест маркази мутахассислари томонидан ўтказилиб, ўқув курсини битирганларга сертификатлар берилади.

Президентимизнинг "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида меҳнат бозорининг самарали механизмларини жорий қилиш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш, камбағал ва ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи негизида ишсиз аҳолига хизмат кўрсатувчи "Ишга марҳамат" мономаркази ташкил этилди, — дейди Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳомидов. — Бу ерда 16 та касб ва хорижий тилларга ўқитиш орқали маҳаллий ҳамда хорижий иш берувчиларнинг талабларига мос малакали мутахассислар тайёрланади. Бундан ташқари, Фарғона тумани компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида 8 та касб ва хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган "Фарғона тумани касб-ҳунарга ўқитиш маркази" фойдаланишга топширилди. Бу ерда 500 нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар касбга ўқитиш курсларига жалб этилган. Айниқса, хотин-қизларни касб-ҳунар эгаллашига қулайликлар яратиш мақсадида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 11 та ҳудудда "Маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш маскани"ларига қўшимча тарзда яна 6 та ҳудудда "Ишга марҳамат" мономарказлари филиаллар ташкил этилиб, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан керакли жиҳозлар етказиб берилди.

— Ўттиз беш ёшдаман, — дейди Учкўприк туманидаги Калхат қишлоғидан келган Баҳромжон Тошпўлатов. — Россияга ишга борсам, қўлимда ҳунарим йўқлиги, рус тилида сўзлаша олмаслигим сабабли дуч келган юмушларни бажариб келардим. Жуда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Топиш-тутиш, ётиб-туришда ҳаловат йўқ. Мукаммал касб-ҳунар эгаси бўлмай туриб ўзга юртда ишлаш қанчалик оғир эканлигини ўз ҳаётимда кўрдим. "Ишга марҳамат" мономарказида рус тилини ўрганиш ва пайвандлаш йўналишида касб эгаси бўлиш учун белгиланган машғулотларда қатнашяпман. Энди қаерга бориб ишласам ҳам ўз касбим бўйича меҳнат қиламан.

Айни кунда вилоятдаги 22 та касб-ҳунар мактаблари, 7 та техникум ва 5 та коллежлар ўқув базасида таълим жараёнига халақит бермаган ҳолда ишсиз фуқаролар ва меҳнат мигрантларини қисқа муддатли касб-ҳунарга ўргатиш курслари ташкил этилди. Бу йил давомида 15000 нафарга яқин ишсиз ва хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни қисқа муддатли ўқув курсларига қамраб олиш ва касб эгаллашларига кўмаклашади. 2021 йилда Корея Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги офиси томонидан Фарғона шаҳрида "Касбий таълим маркази ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилади.

**Расулжон КАМОЛОВ.**

Истиқболли лойиҳа

# 250 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

**Бағдод туманидаги "Бағдод мебел" хусусий корхонаси томонидан чинор, ёнғоқ ва қайрағоч дарахтидан 300 турдаги мебель жиҳозлари тайёрланмоқда. Эътиборлиси, коронавирус пандемияси даврида корхона томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари учун имтиёзли нархда тиббий жиҳозлар етказиб бериш йўлга қўйилди.**

— 2021 йил якунига қадар тўлиқ ишга туширилиши мўлжалланган, фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган бизнес-режа доирасида тўрт қаватли замонавий бино қурилмоқда, — дейди корхона раҳбари Акмалдин Деҳқонов. — Истиқболли лойиҳа асосида қўшимча 250 та янги иш ўрни яратиш ҳамда корхона маҳсулотларини Россия ва Қозоғистонга экспорт қилиш режалаштирилган.

**Б. МАДИЁРОВ.**
**Суратни Ш. ҚОРАБОЕВ олган.**



Ўтганлар ёди

# Оддийликнинг улуғ ҳикмати



**Саратон палласи. Ҳовлидаги сўрининг билагига велосипед суяб қўйилган. Демак, Юрсинбой бирор зарурат юмуш билан даладан уйга келган чоғи.**

— Ҳай дадаси, кун сал пастласин, шу жазирамада қаёққа кетаяпсиз, — дея зорланди Тожибасар.

Остонага ўтирганча этигининг соғини ҳафсала билан тортган Юрсинбой аста қўзғалиб, ошхонага томон юрди. Иккита пиёз билан битта нонни халтага солиб, велосипедининг рулига илди.

Файзиобод ўз номи билан файзли маскан. Иккита йўл ва иккита каналнинг ўртасида жойлашган бу қишлоқдан 1965 йилдан буён олти нафар "Меҳнат қаҳрамони" эътироф этилган. Улардан биринчиси Тўтихон Қулбекова таниқли ер заргарларидан бири эди. У табиатан ўта талабчан, масъулиятли бўлгани учун эндигина тўққизинчида ўқишига қарамай ишнинг кўзини биладиган, оғир, босиқ табелчи Юрсинбойга меҳри бўлакча. Юрсинбой ҳам ўзига топширилган юмушни маромига етказмагунча тинчимайди. Айниқса, ўзганинг ҳақидан қўрқиши, ҳалоллиги билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган. Шунинг учун Тўтихон ая нафақахўрликни бўйнига олар чоғи 25 яшар табелчи йигитни ҳеч иккиланмай бригада бошлиғи этиб тайинлади. Юрсинбойнинг йиллар суронида кечган умри тупроқдан элнинг рисқини териш билан ўтди.

Мустақиллик шарофати билан ернинг илми, ҳадисини олганларнинг пешонасига офтоб тегди. Юрсинбой Жўраев 100 гектардан зиёд "Юрсинбой" фермер хўжалигининг раҳбарига айланди. Тўрт қиз, икки ўғли ёнига кирган деҳқон белини янада маҳкамроқ боғлади.

2000 йили табиатнинг феъли синовли келди. Фермерлар олдида режани юз фоиз бажариш мўъжизадай гап бўлиб турган паллада "Юрсинбой" фермер хўжалиги бир юз эллик фоизлик кўрсаткич билан байроқни қўлга олди. Бу ота бошчилигидаги саксондан ортиқ меҳнаткашнинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай чекилган заҳматлар самараси эди. Мукофот тариқасида берилган "Жигули-21-01" автомашинаси деҳқоннинг ҳаётидаги асосий қоидаларга таъсир қилмади. Юрсинбойни ҳар куни хўжалик аъзолари билан юк машинасининг орқасида бирга далага бориб, кечга томон яна ўша машинада уларни уй-уйларига тарқатадиган одати янги "Жигули" келгандан кейин ҳам ўзгармагани жамоадагиларнинг, атрофдаги инсонларнинг отага бўлган ҳурмати, самимий муҳаббатини янада мустаҳкамлагандек бўлди.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига тавсия этилган инсонларнинг таржимаи ҳоли билан танишаётган вилоят ҳокими ҳар бир номзоднинг фаолиятига астойдил ёндошди. Қоғоздаги гап-қоғознинг гапи дедими, Олтиариқ тумани билан Марғилон шаҳри ўртасида жойлашга "Юрсинбой" фермер хўжалиги томон отланди.

Июл ойининг ўрталари бўлгани учун ҳаво жуда иссиқ. Тутқатор оралаб ўтган йўлдан машинада бораётган вилоят раҳбарининг диққатини шундай саратонда дала кечган киши тортди чоғи, машина йўл четида тўхтади. Эгатлар оралаб сочлари олтингургут чангига беланган деҳқон чиқиб келди. У ҳокимни таниб, қуёшда қизариб, куйиб пўст ташлаган елкаларини қўли билан ҳижолатнамо яширди.

— Сиз ким бўлиб ишлайсиз, — деди ҳоким бува шимини тиззасигача шимариб, ғўзага ишлов бераётган кишига.

– Шу..., — дея чуқур нафас олган Юрсинбой:

— Фермер хўжалигининг раҳбариман, — деди аранг сўзини сўзига улаб. Ҳоким унинг қўлини қайтадан маҳкам сиқди-да, сўл қўли билан унинг елкасидан тутди. Улар йигирма дақиқага яқин пахтанинг ҳозирги аҳволи, ҳосилнинг чўғи ҳақида суҳбатлашдилар. Ҳоким бува ортига қайтар экан, қаҳрамонлик учун муносиб инсон танлангани ва у билан самимий, юракдан гаплашганига кўнглидан ички мамнунликни ҳис қилди.

Вилоятдан юборилган вакиллар олий унвон дарагини бериш учун Юрсинбой отанинг уйига бордилар.

— Теримга оз қолди, дея икки-уч кундан бери шийпонда тунаб, уйга келганлари йўқ, — деди Тожибасар она ёзғириб.

Узоқдан пахтазор оралаб келаётган нотаниш одамларнинг қорасини кўрган деҳқон терим арафаси маълумот учундир, дея ўйлаб, чаман очилган чаноқларга бир қараб олди. Саломалик қаҳқаҳаларга уланди. Меҳмонлар Юрсин отани қайта-қайта бағриларига босиб табрикладилар. Ота аввал лол бўлиб турди, сўнг кўзини яширди.

У ярим аср давомида мукофоту медаллар учун меҳнат қилгани йўқ. Отаси обод қилган ер майдонларини, ота касбини садоқат ҳамда ҳалол меҳнат билан ардоқлади. Йигит умри уй-жой солиш, ўткинчи мол-дунё йиғиш билан эмас, қора тупроқдан хирмон кўтариб, одамларнинг қалбида эзгулик, яхшилик иморатларини тиклаш билан ўтди. Байрамлар тугул туғилган кунини ҳам унутиб қўйган бу оддий, соддадил инсоннинг тийнатидан буюк бир қалбнинг таровати уфуриб тургандек.

Юрсинбой ота 73 ёшига қадар даладан бери келмади.

— Бола бўлибмизки, дадамни уйда оёқ узатиб ўтирганини кўрмадик, — дея ҳайратини бўлишди Сирожиддин. — Ярим тунда келиб, тонг ёришмай яна далага кетарди. Соғинсак, маслаҳатли ишимиз бўлса пайкал бошига бориб гаплашардик. Уйимизда тўй бўлган куни кечга томон онам "Даданг нариги уйга дам олгани кирди чоғи, чойпойига қараб қўйгин", деди. Чойнак, пиёлани кўтариб кирсам дадам уйда йўқ. Шошилиб унинг велосипедини қидирдиму, тополмадим. Дадам тўй қилган куни ҳам кўнгли бўлмай далага йўл олган экан.

Умр бўйи тупроқ кечиб, оёғи захдан чиқмаган ота сўнгги кунлари оёқ оғриғидан кўп азият чекди. Кенгликларга, пахта-ю ғалланинг шабадасига ўрганган юрагининг уйга кўникиши қийин кечди. Ҳар куни ўғлининг машинасида пайкални бир кўриб, хумори босилмаса, уйқуси келмасди. Аҳволи оғирлашгач, атрофида тўпланган фарзандларига:

— Бугундан қолса пилланинг капалаги учиб кетади, — дея, қўярда-қўймай шийпонга жўнатди-да, хотиржам омонатини топширди.

Бугун ота касбини деҳқоннинг тўнғич фарзанди Меҳрожиддин олган. Олтиариқ томонга ишингиз тушса, йўлнинг икки тарафида нур тараб турган азим далалар бошига тўхтанг. Яхшилаб разм солсангиз, кетмон дастасига ғайратини бериб, бепоён далаларга сув-ҳаёт улашаётган, халқнинг дастурхони, келажагини тўкис қилиш учун енг шимариб, тер тўкаётган Юрсинбой отани кўргандек бўласиз.

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**



Олий таълим
**ИСТИҚБОЛИ**

# ФАРҒОНАДА ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ КАМОЛ ТОПАДИ

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали – бугунги Фарғона жамоат саломатлиги институтида бунинг учун етарли салоҳият ва халқаро тажриба бор

**1992 йилда Фарғона давлат университетида Тиббиёт маркази сифатида асос солиниб, 2005 йилдан буён Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали мақоми билан фаолият олиб борган олийгоҳ ўтган давр мобайнида эътироф ва ҳавас қилса арзигулик юксалиш йўлини босиб ўтди.**

**Тинимсиз илмий изланишлар, педагог ва талабалар жамоасининг бирдамлиги, шижоати сабаб республикамиздаги нуфузли тиббиёт олийгоҳи сифатида эътибор қозонди. Айни дамда тиббий таълимдаги миллий ва халқаро тажрибалар уйғунлаштирилиб, янги ва замонавий таълим дастурлари асосида ёш тиббиёт мутахассислари тайёрланмоқда.**

## Илмий салоҳият, ИМКОНИЯТ — ЕТАРЛИ

Дастлаб "Касб таълими: тиббий педагогик иш", "Тиббий-профилактика иши", "Олий ҳамширалик иши" йўналишлари бўйича тиббиёт ходимлари тайёрлаган олийгоҳнинг таълим йўналишлари бугунги кунга келиб янада кенгайди. Ҳозирда "Халқ табобати", "Даволаш иши", "Биотиббиёт муҳандислик иши", шунингдек, қўшма дастур асосида "Даволаш иши", "Фармация", "Педиатрия", "Стоматология" йўналишлари бўйича малакали мутахассислар ўқитилмоқда. Ушбу масъулиятли жараёнга тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ғофуржон Султонов бошчилигидаги Муҳаммаджон Қорабоев, Юсуфжон Нишонов, Мурoджон Ботиров, Шаҳноза Норматова, Манзура Ашурова сингари 40 нафардан зиёд илмий даражали, жами 150 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар жалб этилган. 2400 нафарга яқин талабалар 19 та назарий, амалий ва клиник кафедраларда таҳсил олишади. Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали, шаҳар болалар 2-касалхонаси, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси унинг клиник базалари ҳисобланади.

Олимларнинг илмий изланишлари натижасида сўнгги йилларда 6 та монография, 16 та ўқув қўлланмалар нашр этилди, хорижий ва республика илмий журналларида 200 дан ортиқ мақолалар чоп этилди. Олийгоҳ ўнлаб республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларга мезбонлик қилди.

Ўзида 100 ўринли компьютер парки, 35 мингдан зиёд дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий, бадиий, электрон адабиётлардан иборат китоб фондини жамлаган ахборот-кутубхона маркази, замонавий видео-ахборот технологиялари билан жиҳозланган 15 та маъруза заллари, 20 та ўқув лабораториялари сифатли тиббий таълимни кафолатламоқда.

Тасарруфдаги 450 ўринли 2 та талабалар турар жойи биносида ҳам АРМ филиали ва 2 та спорт зали ташкил қилинган.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам самарасини бераётир. Олийгоҳ қошидаги "Настарин" талабалар-театр студиясининг республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган ўнлаб фестивалларда лауреат бўлгани, иқтидорли талабаларнинг фаол китобхонлик, рассомчилик, рақс, спорт ва оммавий тадбирларда, шунингдек, янги инновацион дастурлар яратиш соҳасида эришаётган муваффақиятлари бунинг амалий ифодасидир. Назира Абдужаппарова, Шоҳруҳ Суяров, Гуласал Абдувалиева, Ғойибшер Абдуллаев, Миркомил Худойбердиев, Нуриддин Қурбонов, Дилноза Сулаймонова сингари Ибн Сино ворисларининг истиқболидан умидлар баланд.






## Тиббий таълимда ХАЛҚАРО РИШТАЛАР

Ҳозирги кунда олийгоҳнинг 15 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолагани унинг катта халқаро тажриба тўплай олганини англатади.

Россия Федерациясининг Курск, Кубан давлат тиббиёт университетлари билан академик мобиллик, илмий ва методик алмашинув, қўшма ўқув дастурлари бўйича ҳамкорлик ришталари ўрнатилган. Ҳозирда Курск давлат тиббиёт университетининг ўзи Европа, Африка, Осиё, Америка мамлакатларидан келган 3000 мингдан ортиқ талабалар қамровига эга.

Айни пайтда Кубан давлат тиббиёт университетидан профессор А. Сухинин, доцент Е. Быстрова, Курск давлат тиббиёт университетидан профессор П. Калуцкий, доцентлар А. Овод, Ю. Иобидзе, И. Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университетидан профессорлар А. Ягмуров, А. Попов, Тожикистон давлат тиббиёт университетидан профессорлар А. Саидов, Ғ. Тошбоев, Ўш давлат университетидан доцент Ф. Муйдинов, Ҳиндистоннинг Артемис клиникасидан профессор Аҳмад Манзур Мир, Шифа Тамери Миллат университетидан профессорлар Рифат Надим Аҳмад, Марям Ҳабиб, Аиша Рафи сингари 30 нафардан зиёд олимлар маъруза ва амалий дарслар, шунингдек, мастер-класс машғулотларини олиб боришмоқда. Хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида филиалнинг 16 нафар профессор-ўқитувчилари Россия Федерацияси, Озарбайжон, Белоруссия давлатларидаги олий таълим муассасаларида малака ошириб қайтишди.

Ҳозирда муассасанинг халқаро факультетида Россия Федерацияси, Покистон Ислом Республикаси, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан 33 нафар хорижлик ёшлар таҳсил олишаётгани фахрланарли, албатта.

Жорий йилнинг 3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фарғона жамоат саломатлиги институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори нафақат вилоят олий таълим тизими, балки Фарғона тиббиёти тарихида муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизида Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлашга қаратилган ушбу улкан қадам муносиб самара беради, албатта.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти рейтингининг "World directory of medical schools" халқаро тиббиёт олийгоҳлари рўйхатига киритилган, олий таълимнинг истиқболли марралари сари интилаётган институтнинг бугунги бўй-бастига боқиб, унинг бағрида давлат ва халқ кутган жамоат саломатлиги фидойилари камолга етишига ишончимиз ортади.

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА,**
**"Фарғона ҳақиқати" махсус мухбири.**

Ҳоким
**ҚАБУЛИДАН СЎНГ**

# Дардимга дардкаш топилди!

**1999 йилнинг апрель ойи. Марғилон шаҳридаги Зафар кўчаси, 33-уй.**

**Ҳовлида мен ва икки синглим отам ясаб берган варракларни учириш билан оворамиз. Онам бир четда ғўра ейиш билан банд эди.**

**— Нега айнан ғўра егинг келди? Қизларимизда ҳечам шўр нарсани егинг келмасди.**

**— Билмасам, балки буниси ўғилдир-да!**

**Отам ним табассум билан:**

**— Майли, ўғил ё қизми Аллоҳнинг берган буюк неъмати! — деди.**

**Орага сукут чўмди. Кутилмаганда дарвозанинг тақиллаши "ростдан ўғилмикан-а", дея ширин хаёл сураётган отамни сескантириб юборди.**

**— Ким экан, ахир бугун дам олиш кунингиз-ку?**

**— Очсак биламизда...**

Кўча дарвозасини очган меҳрибоним, зум ўтмай "ҳозир келаман, аяси" дея ортига қайтди. Доимгидек орқасидан эргашиб юрадиган "дадасининг қизи", яъни мен ортидан югуриб чиқдим. Иккита ҳарбий либос кийган бўйи узун одам дадамни қўлидан маҳкам тутиб, машинага ўтқазиб кетишди. "Менам борай" деганимни эшитишмади ҳам...

Орадан икки соат вақт ўтди. Онам "ҳалиям қайтмади-я, кетишида гуруч олиб келинг, ош дамлайман демоқчийдим. Улгурмадим ҳам" деганича дарвоза томонга тез-тез қараб қўярди. Машинанинг овозини эшитиши билан синглим эшик томон югуриб чиқди. Амаким "тез юринглар уйга", дея бизни олиб кетишди. Бувимнинг ҳовлиси ёнида одамларнинг тўпланиб турганидан ҳайрон бўлдик. Дарвоза ёнида тез тиббий ёрдам машинаси. Секин ҳовлига кирарканмиз, барчамиз ҳайратдан қотиб қолдик. Падари бузрукворим таниб бўлмас даражада калтакланган, юзлари ва кийимлари қон бўлиб ерда ётарди. Ўша ондан биз отасиз қолган эдик. Сабаби эса ҳалигача маълум эмас... "Ҳозир келаман, аяси" деган овози бир умрга ёдимда қолган.

Шу тариқа тўйиб овқатланиш, иссиқ нон ейишни орзу қила бошладик. Орада онамнинг кўзи ёриди. Бу сафар ҳам менга яна бир сингил олиб келди.

Совуқ, қировли кунлар бошланди. Бизга ёқадиган ўша ўрик дарахтини кесиб сотишга мажбур бўлдик. Мева емасак ҳам қишдан эсон-омон, совқотмасдан чиқиб олишимиз керак эди. Айниқса, чақалоқ шамолламаслиги керак. Шунинг учун мевали дарахтларимиздан бирин-кетин айрилишдан бошқа чорамиз қолмади.

Ўшанда ўн уч ёш эдим. Яна ўша совуқ қиш пайти. Кир ювадиган катта тоғорада эҳсон учун келтирилган кўмирларни бир четга олмоқчийдим. Лекин оғир бўлгани учун кўтараётганимда қон томирларим ёрилиб кетди. Жарроҳлик амалиётини бошимдан ўтказдим ва бир умрга ишга яроқсиз инсонга айландим.

Ҳаёт давом этаверди. "Биз эртани эмас, бугун тўйиб овқат еймизми?" деган умид билан қийналиб катта бўлдик. "Марғилонча одат"га биноан орқамда учта синглим бўлган учун 17 ёшимда турмушга чиқдим. Шаръий никоҳ ўқиётган пайтда "Бу уйда кўп овқат қилинармикан, манти, сомса, қилсам бўлармикан?" деган ўйда ўтирганман. Орадан уч ой ўтди, улар ёшлигимда касал бўлганимдан хабар топишиб, мени "фарзанд кўра олмайди" дея кўчага ҳайдашди. Мен эса яна ўша "очлик макони"га йўл олдим.

Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўзимдан ёши каттароқ бўлса-да, Нозимжон Алихўжаевга турмушга чиқдим. Оллоҳга шукурки, ҳозирда 3 нафар фарзандим бор.

Мендан кейинги синглим маҳалламизга келин бўлди. Бизга кўрсатган яхшилиги учун опани неваралар билан сийлади. Бироқ, куёвимиз бошқа икки қиз фарзанди бор аёлни топиб олиб, унга уйланди. Синглим ҳам икки ўғли билан яна онамнинг олдига борди.

Иккинчи синглимни "Надирмат" деган жойга узатдик. Соғлом онадан — соғлом бола туғилади. Ёшликдаги қийинчиликлар туфайли ногирон бола туғди. Таъна-дашномлар, ёвқараш, камситиш... Ҳасрати ичида, сабр қилиб яшаяпти.

Бир онадан ҳар хил бола дунёга келаркан, кичик синглим, биз чидаган очлик, йўқликка бардош бера олмади. Ўзини кўчага урди... Қиргулидаги фоҳишахоналардан қўним топди. Ҳозир у "ахлоқ тузатиш колонияси" да.

Умримнинг 30 баҳори ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди. Аммо баҳорларнинг 8 йилигина ҳаётимда ўзгача ўрин эгаллади. Ўша саккиз баҳорда дарахтлар гуллади, майсалар унди. Қолган 22 йил эса фақат қийинчиликлар, оч қолаётган кунлар, "кам таъминланган оила" тамғаси билан давом этди.

Болалигимиздан маҳалла ёки ҳокимиятдан онда-сонда икки елим халтада макарон, шакар олиб келишиб, расмга ола-ола кетишарди. Биз бу тамғадан чарчадик. Онам билан ўтирадиган синглимни яшаётган уйларидан ҳайдашмоқда. Негаки, онам акаларига "биласизлар, кўп қаватли уйда ўтирадиган қизларни турмушга бериш қийин. Қизларимни узатиб олсам, албатта уйдан чиқиб кетаман" дея ваъда берган. Энди улар "уйни бўшат" дейишяпти.

Турмуш ўртоғимнинг бозорда арава тортиб топиб келган озгина пули етмайди. Лекин болаларим ота меҳри оғушида улғайяпти. Ҳозирда Фарғона шаҳрида яшаяпмиз. Томи, поли тешик, жуда хароба уйда жонимни тикиб дунёга келтирган фарзандларимга шикаст етиши, нимадир чақиб олишидан қўрқиб ухламай чиқаман.

Дарсларга қатнаша олмаётган қизларимнинг ўқитувчилари шикоят қилишяпти. Нима қилай, болаларим касал, даволатишга, дори-дармонга пул керак. Онлайн дарсларга эса телефон йўқ. Лекин шукурки, қизларим билимга чанқоқ. Касал, кийими йўқ бўлса ҳам мактабга бориш ва билим олишга ошиқади. Танаффус пайтлари бирор нарса еб оласан дея онда-сонда берган пулимизни мендан яширинча тўплаб китоб сотиб олади. Беркиниб ўқиётганини кўп кўрганман. Энди шу болаларим учун ҳам ҳаракат қилишим керак. Уларнинг тақдири менга ўхшаб қолмасин.

Болалигимда дадамни қонга беланган аҳволини кўрганимдан бери, катта бўлсам шифокор бўламан ва барчанинг касал дадаларини даволайман, дея ният қилардим. Афсуски, тақдир тақозоси билан, у орзулигича қолиб кетди. Оиламиз паноҳининг бевақт ўлими, бошимизга кўп булутли кунларни олиб келди.

Онам билан бирга ўтирадиган синглим ишласам, озроқ бўлса-да, рўзғорга фойдам тегарди дея, уч ой Марғилон шаҳар бандликка кўмаклашиш марказига қатнади. Марғилон шаҳар ҳокимига ҳам уч маротаба учрабди. Аммо ижобий натижа бўлмади.

Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди. Ва ниҳоят вилоят ҳокими билан кўришдим. Муаммоларимга ечим топишга ваъда бердилар. Мана бугун эса Фарғона вилоят маънавият ва маърифат бўлими томонидан моддий ёрдам беришди. Менинг дардимни эшита оладиган инсонлар борлигидан жуда бахтиёр бўлдим.

**Оминахон УМАРАЛИЕВА.**

Сиз
**НИМА ДЕЙСИЗ?**

Чап қўлда ёзадиган ёки асосий юмушларни чап қўл орқали бажарадиган инсоннинг ҳаракатлари ғалати туюлганми ҳеч?

# ЧАПАҚАЙЛАР ДАҲО...МИ?!

Эҳтимол, ўзингиз ёки энг яқин дўстингиз, оила аъзоларингиздан бири чапақайдир. Нега чапақай инсонларга атрофидагилар ҳайрат кўзи билан қарашади? Негаки кўпчиликнинг фикрича, юмушларни чап қўл ёрдамида бажариш мураккаб ва бунда улар қийинчиликка учрашади.

Атрофимиздаги инсонларни кузатганимизда шунга амин бўламизки, баъзилар кундалик ишларни чап қўлда бажаришади-ю, бироқ ўнг қўлда ёзишади, баъзилар эса ёзувни чап қўлда ёзса-да, қолган юмушларни бажаришда ўнг қўлдан фойдаланади. Биринчи ҳолат чапақайлик ҳисобланади, иккинчиси эса ёзиш қобилияти чап қўлга берилгани билан изоҳланади. Чапақайликни бола уч-беш ёшдалигида унинг хатти-ҳаракатларини кузатган ҳолда аниқласа бўлади. Хўш, чапақай боланинг ҳаракатларини тузатса бўладими? Умуман олганда, бунинг бола психологиясига таъсири қандай?

Болалигимда чап қўлда қоғоз қоралаётганимни кўрганларнинг аксарияти "Вой, чап қўлда ёзяпсанми?" дея ҳайратланишарди. Бу сўзларни бирон марта салбий қабул қилмаганман, негаки эсимни таниганимдан бери ота-онам ўнг қўлда ёзишимга мажбурламаган, аксинча бу ноёб қобилият ҳаммага ҳам берилмаслигини уқтиришган.

Психологларнинг таъкидлашича, чап қўлда ёзадиган болани ўнг қўлда ёзишга мажбурлаш салбий оқибатларга олиб келар экан.

— Ота-оналарнинг чапақай фарзандларини таълим жараёнида ўнг қўлини ишлатишга мажбур қилишлари ва ўқитувчиларни ҳам бунга ундашлари болаларнинг руҳиятида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ўйлаб кўринг, сиз ўнг қўлда ёзасиз-у, бироқ кимдир сизни мажбурлаб чап қўлда ёздирмоқчи. Қани, буни уддалай оласизми? Қанчалик қийинчилик туғдиради бу ҳолат? Буни бола психологиясига буриб таҳлил қиладиган бўлсак, бу унинг ўқиши, психологияси, ўзига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади, — дейди психолог Гулруҳ Ғуломова.

Бундан тўрт йил олдин қишлоқдаги келинойим уйимизга келганди, гап энди мактабга бораётган ўғлига бориб тақалди. У ўғлининг мактабда ўқиши қийин кечаётгани, дарс тайёрлаш чоғи ҳар гал йиғлаб уй вазифаларини бажаришини айтиб қолди. Бунинг сабабини сўраганимда, чап қўлда ёзаётганини кўрган бобом уни ўнг қўлда ёзишга мажбурлаган, ҳаттоки жазо чоралари ҳам қўллаган. Жиянимнинг ўқитувчиси ҳам мактабда чапақай ўқувчиларни ўнг қўлда ёзишга ўргатиш учун астойдил ҳаракат қилар экан.

Шу воқеага тўрт йил бўлди. Ўқишини сўраганимда, унинг тортинчоқ эканини, доскага чиққанда "ўзини йўқотиб қўйиши", дарсларни ўзлаштиришга қийналишини айтишди, ҳуснихати ҳам талаб даражасида эмас. Мана, қийноқлар, жазолар натижаси…

Чап қўли орқали бетакрор расмлар чизган рассомлар, қуйма сатрлар битган шоир-у ёзувчилар, мусиқа ноталарини яратган бастакорлар-у олимлар, спортчиларни бугун бутун дунё тан олган.

Чап қўллар инсониятга Леонардо да Винчи, Эйнштейн, Чарли Чаплин, Пушкин каби даҳоларни берган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, чапақай болани биринчи синфга келганида ўнг қўлга ўргатиш вазиятни янада қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам имкон қадар чап қўлда ёзадиган болани ўнг қўлга ўргатмаган маъқул. Бу болада табиий жараённи тушунмаслик ва уни илм ўрганишдан безиши, жамиятдан четлашишига олиб келиши мумкин. Акс ҳолда, келажакда бастакорлар, рассомлар, ижодкорлар, математиклар, машҳур футболчи ва баскетболчилар етишиб чиқишига тўсқинлик қилишингиз мумкин.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

Фарғона тумани компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини 2018 йилда тамомлаган Қосимова Алия Алишер қизи номига берилган К 0273109 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш маркази (собиқ Фарғона саноат касб-ҳунар коллежи)ни 2018 йилда тамомлаган Маматов Асадтилла Баходир ўғли номига берилган К 5197678 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Диққат, танлов!




**"Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари бирлашган таҳририяти 2021 йил учун 6,5 минг нусхада йиллик обуна ташкил этди.**

**Таҳририят газеталарни обуначига етказиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун**

## ТЕНДЕР

**танлови эълон қилади.**

Танловда иштирок этишни истаган ташкилотлар шу йил 25 декабрь куни соат 18.00 га қадар қуйидагиларни тақдим этишлари сўралади:

1. Ариза.
2. Низомдан ва гувоҳномадан нусха.
3. Ташкилот ҳақидаги маълумот (2020 йил 1 декабрь ҳолатига шаҳар-туманлар кесимидаги тузилмалар, улардаги ишчи-ходимлар, мавжуд транспорт воситалари сони, дебитор-кредитлар қарздорлик кўрсаткичлари).

Тендер танлови ҳайъати ғолибни 2020 йил 29 декабрь куни эълон қилади.

**Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

**Телефонлар:** (73) 226-02-70, (94) 390-19-51.

Истеъмол маданияти

# МАҲСУЛОТНИНГ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ЎТМАГАНМИ?

**Кунда-кунора бозор ёки савдо шохобчаларидан эҳтиёжимиз учун нимадир харид қиламиз. Маҳсулот сотиб олар эканмиз, аввало, унинг сифатли ва бенуқсон бўлишини истаймиз.**

Фарғона шаҳридаги марказий деҳқон бозорининг бир четида ҳаммани сут маҳсулотларига чорлаётган аёл эътиборимни тортди.

"Rash milk" савдо белгиси бор маҳсулотлар бошқа тадбиркорлик субъектлариникига нисбатан қимматроқ экан. Сабабини сўрасам: "Чунки унда яроқлилик муддати бўлади, шу боис нисбатан қиммат" дея сотувчи жавоб берди. Наҳотки, шундай бўлса?! Ахир бу белги ҳамма маҳсулотларда бўлиши керак эмасми? Шу пайт бир опа суҳбатимизга қўшилди.

— Синглим отам яқинда жарроҳлик амалиётидан чиқди. Шифокорлар янги маҳсулотлар олиб келинглар, деган. Шу қатиқларингиздан бирини берсангиз.

— Майли опажон, "Rash milk" қатиғи 9 минг, ёнидагиси 8 минг сўм.

— Қизиқ, нега нархлари ҳар хил ёки ҳажмида фарқ борми?

— Йўқ, бунда яроқлилик муддати кўрсатилган. Бошқаларида эса йўқ.

— Ҳа майли, унда шундан беринг.

"Daza", "Ark milk" ва "Меҳрибону" МЧЖ га қарашли "Orta tvorog", қаймоқ, қатиқ, сметана, творог маҳсулотларининг ҳеч бирида ишлаб чиқарилган ва яроқлилик мудати қўйилган сана йўқ эди.

Афсуски, муддати аллақачон ўтиб кетган ёки яроқлилик муддати қўйилмаган маҳсулотларнинг сотилаётганини кўриб, инсон саломатлиги, тадбиркор учун шунчалик қадрсизми? — деган хаёлга борасиз.

Савдогар қизга яна бир-икки савол бергандим, "Барибир олмас экансиз, савдоимни бўлманг" дея жавоб берди.

Хўш, энди айрим колбасани сақлаш муддати 72 соат деб ёзилган бўлса-ю, ишлаб чиқарилган сана ёзилмаган бўлса, биз қайси санадан, соатдан бошлаб 72 соат ҳисоблайлик? Ёки сут маҳсулотининг ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилган бўлса-да, сақлаш муддати кўрсатилмаган бўлса, шу санадан бошлаб қанча вақтгача истеъмол қилсак бўлади?

Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мутахассиснинг бу борадаги фикрларини сўрадик.

— 2017 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори 8-бандига кўра, ўралган озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш белгиланган, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Фарғона вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маматқулов. — Озиқ-овқат маҳсулотининг тайёрланган санаси, маҳсулотининг яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги ҳам айтилган. Бугунги кунда дўконларимизда яроқлилик муддати кўрсатилмаган маҳсулотлар ҳам топиляпти. Агар мана шундай ҳолатга дуч келсангиз, албатта, бизга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

— Яқинда дўкондан қатиқ олгандим. Уйга келиб очиб кўрсак, яроқлилик муддати бир ой ўтиб кетган. Дўконга қайта олиб кирдим. "Менга ҳам эрталаб олиб келиб беришганди. Янги деганига ишонибман. Доимий мижозим экани учун мени алдамагандир дея ишонгандим" деб жавоб қайтарди сотувчи, — дейди Фарғона шаҳар, Нуробод кўчасида истиқомат қилувчи Шаҳло Миромонова.

Ваҳоланки, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш, сотиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Балки, сотувчилар бундай қонун борлигидан хабардор эмасдир? Ҳар нима бўлганда ҳам савдогар фақат даромад топишни эмас, балки истеъмолчининг саломатлигини кўзлаб иш тутиши зарур эмасми?!

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**




# Ўқидингизми?

## Контрактация шартномаси бекор қилинди

Қўштепа тумани пахтакорлари бу йил салмоқли пахта ҳосили етиштириб, контрактация шартномаси режасини ортиғи билан бажардилар. Умумий хирмон 21 минг 567 тоннани ташкил этди. Бу ютуққа 110 дан ортиқ фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшди. Афсуски...

"Истиқбол йўли" газетасида чоп этилган "Контрактация шартномаси зиёди билан ўринлатилди, аммо..." сарлавҳали мақолада келтирилишича, тумандаги 55 та фермер хўжаликларида ҳосилдорлик паст бўлиб, кластер билан тузилган шартнома мажбуриятини бажара олмаган. Натижада ҳозиргача 15 та фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси бекор қилинди.

## Коронавирус эпидемиясини қанчада енгиш мумкин?

"Фарғона шифокори" газетаси навбатдаги сонида "Коронавирус эпидемиясини олти ҳафта ичида енгиш мумкинми?" деган сарлавҳали мақола чоп этган ва унда дунёнинг шифокор олимлари, соҳа мутахассислари, таниқли тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари келтирилган.

Мақолада қўйилган саволга тўлиқ жавоб берилган, эпидемияни қисқа муддатда енгиш усуллари баён этилган.

## "Ҳожатбарор" фош этилди

"Кадастр ва ер ҳисобини юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари эскирган. Улар мураккаб, тушунарсиз ёзилган. Бу эса коррупцияга йўл очиб берган..." Мазкур жумлалар "Адолат йўли" газетасининг 25-сонида чоп этилган мақоладан олинди.

Унда мисол тариқасида 30 минг АҚШ доллари миқдоридаги пора эвазига 5 гектар ер учун Олтиариқ тумани ҳокимининг қарорини чиқартириб беришга ваъда қилган кадастр ходимининг кирдикорлари фош қилинган.

## Букрини гўр тўғрилайди

Ота-боболаримиздан қолган ҳикмат замирида ҳаёт ҳақиқати мавжуд. Бунга мисол тариқасида "Марғилон ҳақиқати" газетасида босилган бир жиноят тафсилотини келтириш мумкин.

"Муқаддам ўғирлик содир этган шахс яна киссавурлик қилди" сарлавҳали мақолада аввал ҳам икки марта судланган Х. исмли хавфли рецидивистнинг навбатдаги жиноий хатти-ҳаракати қаламга олинган.

## Ёшлар ташкилоти ўз биносига эга эмас

"Марказий Фарғона" газетасида чоп этилган "Ёшлар иттифоқи нима билан банд?" сарлавҳали мақолада Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси Ферузахон Раимжонова таҳририят қўйган саволга жавоб берган. Мақола сўнггида ёшлар ташкилоти етакчиси асосий мақсадларидан бири сифатида ўз биноларига эга бўлишни баён этган.

Ажабо, ўз сафида 27339 нафар ёзёвонлик ёшларни бирлаштирган ташкилот ўз биносига эга эмас экан!

## "Ғанижон тоға" чув туширди

Нафақат ўзларини, балки ўзгаларни гиёҳвандликка гирифтор қилиб келаётган А.О. ва М.Ж. яна жирканч йўл билан мўмай даромад топишни мақсад қилди. Улар бу сафар махсус харидор "Ғани тоға" билан олди-сотди қилишаётган пайтда қаршиларида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари пайдо бўлди.

Қилмиш-қидирмиш ҳақида "Қилич ва қалқон" газетаси ёзади.

## Хотин-қизлар давлат ҳимоясида

Аёл зўравонликка дуч келса, унга ҳимоя ордери берилишидан хабардормисиз?

Қонунчилигимизга кўра, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилган. Бироқ буни ҳамма ҳам билавермайди. Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Ўринова жабр кўрган аёлларга ҳимоя ордери берилиши ҳақида "Ойдин" газетасида батафсил тушунча бериб ўтган.

**Рустам ОРИПОВ.**

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг устувор масалалардан бирига айланмоқда.**

Жорий йилнинг 15 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги янги Қонун бу борадаги хайрли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши кўзда тутилмоқда.

Қонунда илк бор ногиронлик масаласига ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, балки биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида қаралган.

Юридик ҳужжатда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қатор масалалар аниқ тартибга солинган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қимматини уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш, ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги, ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг базавий ҳуқуқлари: шахсий ҳаёт дахлсизлиги, оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқ, фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, таълим олиши, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, меҳнат қилиш ва бандлик масалалари алоҳида қайд этилган.

Давлат томонидан бериладиган кафолатлар: ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига риоя этган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги, меҳмонхона хоналарининг қулайлиги, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Яна бир эътиборли томони, қонунда давлат замонавий протез-ортопедия мосламаларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида реабилитация қилиш саноатини ривожлантиришга кўмаклашиши, шу жумладан, ушбу соҳада бизнес учун имтиёзларни белгилайди.

Мазкур қонун кучга кириши билан юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий, тиббий қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор янада ортади. Бу эса Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги исботидир.

**С. АСҚАРОВ, Фарғона вилоят реабилитация маркази директори.**

# Яшил белбоғли ШАҲАР

**Кўчат экиб, боғ яратиш, ободлик, саришталик халқимизга хос фазилат. Ўзбекистон Экологик партияси ҳамда вилоят ўрмон хўжалиги ташаббуси билан "Яшил белбоғ" лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбири бўлиб ўтди.**

Шу куни Фарғона шаҳридаги "Ўрмончилар" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 11 гектардан ортиқ майдонларга 2500 тупдан ортиқ игна баргли арча кўчатлари ўтказилди. Шунингдек экилган дарахтларни суғориш, парваришлар ишларига эътибор қаратилди. Келгусида ҳудудда экотуризмни ривожлантириш мақсадида лавандалар экилади.

Кўчат экиш барча шаҳар ва туманларда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, одамларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилади.

**Фотимахон ЎКТАМОВА, Ўзбекистон Экологик партияси вилоят Кенгаши матбуот котиби.**



Бобомнинг ўгити

# "Сизлар ниҳолга ўхшайсиз..."

**Бобомнинг ёши улуғ бўлса-да, ғайрати тинчлик бермайди. Бир парча ерга ҳам ниҳол эксам, уруғ қадасам, дейди. Истаган фаслда бизникига келинг, у кишини ҳовлимизда ток оралаб, куймаланиб юрганида учратасиз.**

Ҳар кузда бобом туйиларга буюрсин, дея хирмон кўтаради. Баъзан қўшнилар унга "Биз ҳам сиз каби меҳнат қиламиз, сувни тараб, тупроқни ўғитлаймизу, лекин ҳар йили чучварани хом санаймиз. Ё узум дони майда бўлади, ёки шўр босади. Сири бўлса, бизга ҳам ўргатинг", дея хуноб бўлишади. Шунда бобом хандон отиб кулади. Елкасига ташлаган дурраси билан кўзларининг четини артиб, нурли соқолини силаган кўйи "Бунинг сири ҳамма нарсанинг фурсатини билишда. Ўғитни кузда токнинг тагини ковлаб солиш лозим. Шунда у қиши билан минералларга тўйиниб, яхши ҳосил учун куч йиғади. Авжи аёзда чилла сувини берсангиз, совуқ урмайди. Баҳорда пўстини арчиш даркор, шўр, занг касалининг уйи куяди", дейди.

Ишни иши бор, деб шунга айтсалар керак. Боғ тагида ўйчан салқинлаб ўтирган бобомнинг пинжига суқиламан. У киши елкамни силаб:

— Сизлар ҳам шу ниҳолларга ўхшайсиз. Авжи куртак ёзаётганингизда қуёш нурини аямаса бас, барқ уриб, гуркираб кетасиз. Илоҳим ҳосилингиз элу юртга, кўпга татисин, — деб дуо қилади.

Бугун юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик бобом айтган "қуёш нури"га ўхшайди. Албатта, вақтида қилинган ҳаракат кўпнинг юзини ёруғ қилишини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Отам ҳовлимиздаги уйни уй қиламан, деб йигит умри лой чангаллаб ўтди. Онам болаларим тўкис улғайсин, ўқисин деб этаги оқармади. Президентимиз томонидан истеъдодли, изланувчан ёшлар учун вилоят марказида энг замонавий усулда бунёд этилган, ҳамма шароитларга эга, шинам, имтиёзли шартлар асосидаги уйлардан бирининг соҳиби бўлдим. Бу бахт маданият, санъат, спорт, адабиёт, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритган кўплаб тенгдошларимга насиб этди. Ҳали ҳам ҳаяжонимиз тарқамаган, кўзимизда қувонч ёшлари, онгимизда эса янги марралар сари шижоат туйғуси жўш урмоқда.

— Мен Риштон туманинда, деҳқон оиласида туғилганман,— дейди Нуриддин Расулов севинчини яширолмай. — Қора меҳнатда қадди дол бўлган ота-онамнинг ниятлари ушалсин, деб ўзимни кеча-ю кундуз илм йўлида сафарбар қилдим. Йиллар ўтиб, олийгоҳ талабаси, сўнг магистранти бўлдим. Айни пайтда олий ўқув юртида талабаларга сабоқ бераман. Йил бўйи оилам билан ижарама-ижара кўчиб юрардим. Сабаби, бирининг шароити кўнгилдагидек бўлмаса, бошқасининг ижара нархи ўйлантирарди. Шукрки, Президентимизнинг оталарча меҳрибонлиги туфайли орзуларимиз рўёбга чиқди. Энди менинг юрагим жой олиш, уй тиклаш керак, деган маиший ташвишлар билан эмас, менга билдирилган ишончни оқлаш, эътирофга муносиб бўлиш шижоати билан урмоқда.

Чиндан ҳам қачонки инсоннинг оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ бўлса, ишида ривож, ютуқларида барака бўлади. Бу эътибор мамлакатимиздаги минглаб ёшларнинг қалбида иштиёқ, истеъдод чўғларини гуркиратиб юборди. Замонавий уйлардан бирининг соҳиби бўлишни ният қилган қанчадан-қанча ёшлар қийинчиликлардан қўрқмасдан, муваффақиятлар сари дадил қадам ташлаб, юртимиз истиқболи йўлида камарбаста бўлишга бел боғлади.

Янги уйда яшаябману, қалбимда янгиланишлар, жўшқин ижод руҳи ҳукмрон. Қулоқларим остида эса нуроний бобомнинг ўша пурмаъно сўзлари жаранглайди. "Сизлар ҳам шу ниҳолларга ўхшайсиз. Авжи куртак ёзаётганингизда қуёш нурини аямаса бас, барқ уриб, гуркираб кетасиз. Илоҳим, ҳосилингиз элу юртга, кўпга татисин!"

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 18.00.

Буюртма: 819 Индекс: 7521 Адади: 3 770

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади. ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Дилнавоз Қўлдошева. ■ Газета сифати учун босмахона масъул.